

25-23-241097- сонли

ГАРОВГА ҚҮЙИЛАЁТГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУФУРТА  
ҚИЛИШ БОШ ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш.

«30» июл 2024 йил

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2023 йил 26 сентябрда берилган 135840-сон лицензия асосида ҳаракат қиласиган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталаған «SEMURG INSURANCE» АЖ номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи Бош Директор Р.Кадиров бир томондан, ва кейинги ўринларда «Наф олувчи» деб номланувчи «DAVR BANK» ХАТБ, унинг номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бошқарув Раиси А.А.Самадов иккинчи томондан, мазкур Гаровга қўйилаётган автотранспорт воситаларини суғурта қилиш бош шартномаси (кейинги ўринларда - Суғурта шартномаси) ни мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.**

Суғурталовчи, мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ, шартномада белгиланган суғурта ҳодисаси юзага келганда 1-Иловада кўрсатилган Суғурта қилдирувчининг гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасига (1-Илова) етказилган зарарни қоплашни зиммасига олади, Суғурта қилдирувчи эса мазкур Суғурта шартномасида кўзда тутилган тартибда ва муддатларда суғурта мукофотини (бадалини) тўлашни зиммасига олади.

**II. АТАМАЛАР.**

**Суғурталовчи** – Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига олувчи юридик шахс – «SEMURG INSURANCE» АЖ.

**Суғурта қилдирувчи (карздор)** – Суғурта шартномасига асосан ўз мулкий манфаатини ёки учинчи томоннинг манфаатини суғурталайдиган жисмоний ёки юридик шахс.

**Наф олувчи** – Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловларини олиш учун белгиланган юридик шахс.

**Суғурта шартномаси** – ёзма келишувдан иборат бўлган юридик хужжат, унга мувофиқ Суғурталовчи суғурта ҳодисаси юзага келганда моддий зарарни қоплаш бўйича мажбуриятларни зиммасига олади, Суғурта қилдирувчи эса суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурта мукофотларни (бадалларини) тўлаш мажбуриятини зиммасига олади. Суғурта шартномасида унинг амал қилиш муддати, шунингдек бошқа шартлар, келишувлар кўрсатилади.

**Автотранспорт воситаси** - суғурта шартномасида кўрсатилган автотранспорт воситаси.

**Суғурта ҳодисаси** – амалда юз берган, унинг салбий ёки бошқа турдаги белгилаб қўйилган оқибатларига боғлиқ ҳолда Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келадиган ҳодиса.

**Суғурта суммаси** – Суғурталовчи унинг доирасида суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига оладиган сумма бўлиб, унинг миқдори Суғурта қилдирувчининг Суғурталовчи билан келишув орқали белгиланади.

**Суғурта товони** – Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига Суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юзага келиши туфайли келиб чиқсан зарарларни белгиланган тартибда қоплаш учун тўланадиган сумма.

**Суғурта тарифи** – суғурта мукофотининг суғурта суммасига нисбатан меъёрланган миқдори. Мутлак пул кўринишида ёки суғурта суммасидан фоизларда аниқланади.

**Суғурта мукофоти (бадали)** – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаши шарт бўлган суғурталаш учун тўлов.

**Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома** – Суғурталовчи томонидан унинг суғурта ҳодисаси юзага келганлигини эътироф этиши пайтида тузиладиган ва суғурта товонини тўлаш учун асос бўладиган хужжат.

**Суғурта полиси** - Суғурталовчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кириши ҳолатини тасдиқлайдиган, Суғурта қилдирувчига унинг суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини (бадалини) тўлашидан кейин бериладиган хужжат.

**Шартсиз франшиза** – Суғурта қилдирувчи зарарларининг маълум кисми бўлиб, уни коплаб бериш бўйича Суғурталовчи жавобгар бўлмайди. Шартсиз франшизада Суғурталовчининг жавобгарлиги франшизанинг суммаси айрилган зарарнинг миқдори билан белгиланади.

**Суғурталаш муддати** – суғурта обьекти суғурталанган вақт оралиги.

**Географик зона** – Ўзбекистон Республикаси.

**III. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ.**

**3.1.** Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ёки Наф олувчига мазкур суғурта шартномасига биноан 1-иловада кўрсатилган кредит шартномаси асосида ҳарид қилишган (суғурталанган) автотранспорт воситасига ер

ости сувларининг таъсир этиши, сел, яшин уриши, зилзила ва учар жисмларнинг тушиб кетиши натижасида етказилган заарларни қоплаб беради.

#### **IV. ИСТИСНОЛАР.**

**4.1.** Агар ҳодиса қуидагилар натижасида юз берса, у суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- мазкур суғурта шартномасининг 3.1. бандида кўрсатиб ўтилган таваккалчиликлардан ташкари ҳодиса содир бўлган бўлса;

- Суғурта қилдирувчининг ёки автотранспорт воситаси уларнинг тасарруфида бўлган бошқа шахсларнинг суғурта ҳодисасининг юзага келишига қаратилган қасддан килган ҳаракатлари, уларнинг ўз фукаролик бурчини бажариши ёхуд ўзининг ва учинчи шахсларнинг ҳәётини, соғлигини, шаъни ва қадр-кимматини ҳимоялаш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

- исталган шаклдаги алкоголли, гиёхвандлик ёки токсик мастилиги ҳолатида ёки реакция тезлигини ва дикқатини пасайтирувчи дори препараларининг таъсирида бўлган Ҳайдовчининг автотранспорт воситаларини бошқариши, шунингдек агар суғурталанган автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ЙТХ жойидан қочиб яширинса ёки тиббий кўрикдан (мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича экспертизадан) ўтишдан бош тортса;

- Йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) натижасида шикастланиши;

- суғурталанган автотранспорт воситаси ёнғин натижасида шикастланиши;

- ҳайдовчининг оловдан ва портлашдан хавфли моддаларни ва буюмларни саклаш ва ташиш қоидаларини бузиши;

- ҳайдовчининг темир йўлдан ўтишда йўл ҳаракати қоидасини бузиши, светофорнинг қизил сигналида (қизил чироқ ёнганда) ҳаракатланиши ва йўлнинг қарама-карши ҳаракат йўл тасмасига чиқиши;

- йўлнинг ҳаракат қисмининг нотекислиги ёки ёмон ҳолати, ўткир буюмларни босиб ўтиши туфайли шиналарнинг шикастланиши, агар уларнинг шикастланиши автотранспорт воситасининг шикастланишига ёки нобуд бўлишига олиб келмаган бўлса;

- доимий таъсир этувчи фойдаланиш омилларининг таъсири (эскириш, эрозия, коррозия, куйка ҳосил бўлиши ва ҳоказо), умуман автотранспорт воситаси, шу жумладан унинг айрим деталлари ва тармоқларининг аста-секин шикастланиши.

**4.1.1.** Қуидагилар учун суғурта товони тўланмайди:

- ташки омиллар сабаб бўлмаган ички бузилишлар учун;

- автотранспорт воситасига ўрнатилган ва унинг заводдаги бутланишига кирмайдиган қўшимча жиҳоз-ускуналарнинг ўғирланиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши учун, агар ушбу қўшимча жиҳоз-ускуналар суғурта шартномасининг жадвалида тегишли позиция бўйича махсус кўрсатилган бўлмаса;

- автотранспорт воситасининг ўғирланиши, унинг учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида йўқ қилиниши ёки шикастланиши учун, агар ваколатли органларга ариза берилмаган бўлса, шунингдек агар ушбу ҳолат ваколатли органлар томонидан тасдиқланмаган бўлса;

- автотранспорт воситасининг шикастланиши оқибатида унинг товар кўриниши йўқотилишидан кўрилган заарлар;

- Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига шикастланган автотранспорт воситасини ёки унинг қолдикларини тақдим этишдан бош торган ҳолда, улар қолдиқсиз нобуд қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

- суғурталанган автотранспорт воситаси давлат органларининг қарорига кўра олиб қўйилиши, мусодара, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиниши оқибатида юз берган заарлар;

- суғурталанган автотранспорт воситасини қаровсиз (эшикларни очик қолдириш, калитни ўт олдиргич оғзида қолдириб кетиши) қолдириш оқибатида автотранспорт воситаси олиб қочилса.

**4.2.** Умумий истиснолар.

**4.2.1.** Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақлидир, агар:

- суғурталанган автотранспорт воситаси Суғурталовчи билан ёзма келишувсиз лизингга, ижарага, прокатга ёки гаровга берилган бўлса;

- Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаган бўлса;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ суғурталанган автотранспорт воситасини бошқариш хукуки бўлмаган шахс суғурталанган автотранспорт воситасини бошқарган бўлса;

- ҳодиса тўғрисидаги аризада Суғурта қилдирувчи ёки унинг вакили заарнинг сабаблари ва миқдори тўғрисида ёлғон маълумот кўрсатган бўлса, шунингдек, агар Суғурта қилдирувчи ёки унинг вакили ҳодисанинг ҳолатларини ёки заарнинг миқдорини тасдиқлаш учун қалбакилаштирилган ҳужжатларни кўрсатса;

- Суғурта қилдирувчи ёки унинг вакили заарнинг сабаблари ва миқдорини аниқлаш учун керакли ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

- суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси юзага келишидан аввал, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича тугаган бўлса;

-суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида ёки бошқа қонунларида кўзда тутилган асослар бўйича ҳақиқий бўлмас;

-Суғурталовчи сұгурута шартномасини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида ёки бошқа қонунларида кўзда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб тан олиш тўғрисида судга даъво киритган бўлса;

-Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) сұгурута ҳодисасининг ҳолатларини тергов қилишга ёки етказилган зарарнинг миқдорини аниқлашга тўсқинлик қилган бўлса;

-агар сұгурута ҳодисаси ҳайдовчи тезлик режимини бузиши оқибатида юзага келган бўлса;

-сұгурута ҳодисаси сұгурута шартномасида кўрсатилган географик зонадан ташқарида автотранспорт воситасидан фойдаланганда юз берган бўлса.

**4.2.2.** Куйидаги шартлардан ҳеч бўлмаси биттаси мавжуд бўлганда юз берган ҳодиса сұгурута ҳодисаси бўлмайди:

-ёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ушбу автотранспорт воситасини ва/ёки ушбу тоифали автотранспорт воситасини бошқариш хукукини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ва/ёки йўл варақасида кўрсатилмаган Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) сұғурталанган автотранспорт воситасини бошқариши.

**4.2.3.** Агар сұгурута ҳодисаси куйидагилар оқибатида юзага келган бўлса, Суғурталовчи сұгурута товонини ва сұгурута суммасини тўлашдан озод этилади:

-автотранспорт воситасидан бошқаришга ўргатиш мақсадида ёки мусобақаларда ва синовларда иштирок этиш, фойдаланиш;

-ядровий портлаш, радиация ёки радиоактив тарқалиш таъсир этиши;

-ҳарбий ҳаракатлар, маневрлар ёки бошқа ҳарбий чора-тадбирлар.

**4.3.** Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи мазкур сұгурута шартномаси бўйича белгиланган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда Суғурталовчи сұгурута шартномаси бўйича кўрилган зарарни тўламаслик хукуқига эга.

## **V. СУГУРТА ҚИЙМАТИ, СУГУРТА СУММАСИ, ФРАНШИЗА МИҚДОРИ, СУГУРТА МУКОФОТИ, УНИ ТЎЛАШ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ.**

**5.1.** Гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасининг сұгурута қиymati 1-иловада кўрсатилган.

**5.2.** Мазкур шартнома бўйича гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасининг сұгурута суммаси 1-иловада кўрсатилган.

**5.3.** Мазкур шартнома бўйича умумий сұгурута мукофоти (бадал) 1-иловада кўрсатилган.

**5.4.** Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан бир йўла нақд пул, пул ўtkазиш йўли билан мазкур шартнома имзоланганидан кейин уч банк куни ичида тўланади.

**5.5.** Суғурта полиси сұгурута мукофоти Суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушганидан кейин 5 (беш) банк куни ичида берилади, нақд пул билан тўланганда ўша вақтнинг ўзида берилади.

**5.6.** Суғурта полиси сұгурута мукофотининг туланган қисми/траншига мутаносиб бўлган муддатга берилади.

**5.7.** Мазкур шартнома бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида (сўмда) амалга оширилади.

**5.8.** Ҳар бир сұгурута ҳодисаси бўйича ва ҳар бир автотранспорт воситаси бўйича шартсиз франшизанинг миқдори ҳар бир автотранспорт воситасининг сұгурута суммасидан 0,0 (ноль) % ни ташкил этади.

**5.9.** Агар сұгурута ҳодисаси тўлаш муддати ўtkазиб юборилган навбатдаги сұгурута бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, Суғурталовчи мазкур сұгурута шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган сұгурута товони миқдорини сұгурута мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга вა муддати ўtkазиб юборилган сұгурута бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

## **VI. СУГУРТА ШАРТНОМАСИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.**

**6.1.** Мазкур сұгурута шартномаси 1-иловада кўrсатилган муддатга тузилган.

**6.2.** Суғурталовчининг жавобгарлиги сұгурута мукофоти (транши/қисми) Суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушгандан бошланади ва сұгурута полисида кўrсатилган муддатда амал қиласи.

**6.3.** Суғурталаш муддати сұгурута полисида қайд этилади.

**6.4.** Кредит шартномаси узайтирилганда, сұғурталаш даври қўшимча сұгурута мукофотини тўлаш шарти билан узайтирилади.

**6.5.** Агар Суғурта қилдирувчи Наф олувчининг олдидаги қарзни қоплаш бўйича ўз мажбуриятларини муддатидан илгари тўлиқ ҳажмда бажарган бўлса, сұгурута шартномаси сұғурталаш даври тугагунча амал қиласи ва Суғурта қилдирувчи мазкур шартноманинг шартлари бўйича Наф олувчи бўлиб қолади.

## **VII. СУГУРТА ШАРТНОМАСИННИГ ТЎХТАЛИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ.**

**7.1.** Ҳар бир томон Суғурта шартномасини исталган пайтда, бошқа томонни охирги манзили бўйича юборилган хат билан, тахминий бекор қилиш санаесидан кечи билан ўттиз кун аввал хабардор қилган ҳолда,

бекор қилиш хуқуқига эга.

**7.2.** Суғурта шартномасининг амал қилиши күйидаги ҳолларда тұхтатилади:

- Унинг амал қилиш муддати тугаганда;
- Суғурталовчы үзининг шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганда;
- Шартнома томонлардан бирининг талабига қўра бекор қилинганда;
- Суғурта қилдирувчининг талабига (ташаббусига) биноан Суғурталовчы суғурталаш шартларини бузганда;
- Суғурталовчининг ёки юридик шахс бўлган Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланган тартибда тутапилганда;
- суд суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

**7.3.** Агар Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи суғурта шартномаси шартларига мувофиқ суғурта мукофотининг навбатдаги қисми (транши)ни ўз вақтида тўламаган бўлса, мазкур суғурта шартномаси Суғурталовчы томонидан бир тарафлама бекор бўлган хисобланади ва Суғурталовчы ушбу суғурта шартномаси бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

**7.4.** Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади ва тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

**7.5.** Агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига била туриб ҳолатлар тўғрисида ёлғон маълумот берганлиги аниқланса, Суғурталовчы шартномани ҳақиқий эмас деб тан олишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**8.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

**8.1.1.** Суғурта шартномасининг бутун амал қилиши давомида Суғурталовчидан суғурта қилиш масалалари бўйича маслаҳатлар олиш.

**8.1.2.** Суғурта ҳодисаси юзага келганда Суғурталовчидан белгиланган тартибда суғурта товонини олиш.

**8.1.3.** Суғурта ҳодисаси юзага келганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш.

**8.1.4.** Автотранспорт воситасига ўрнатилган қўшимча жиҳоз-ускуналарни қўшимча суғурта қилишини амалга ошириш.

**8.1.5.** Суғурталовчы/Наф оловчи билан келишувга биноан, суғурта шартномасига қўшимча битимни имзолаш йўли билан ўзгаришиларни ва/ёки қўшимчаларни киритиш.

**8.1.6.** Суғурталовчини/Наф оловчини албатта хабардор қилган ҳолда суғурта шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш.

**8.2. Суғурта қилдирувчи қуйидагиларга мажбур:**

**8.2.1.** Суғурталовчы талаб қилган хужжатларни, жумладан гаров шартномасини тақдим этиш.

**8.2.2.** Суғурта мукофотини суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўлаш.

**8.2.3.** Суғурталовчига суғурталаш обьекти тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний аҳборотни бериш.

**8.2.4.** Суғурта шартномасининг амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчи ёки Наф оловчи уларга маълум бўлиши билан дарҳол, лекин кўпи билан 5 банк кун ичида, Суғурталовчига суғурта обьектига тегишли бўлган барча жиддий ўзгаришлар тўғрисида, агар ушбу ўзгаришлар суғурта қилиш таваккалчилигининг ортишига жиддий таъсири этиши мумкин бўлса, жумладан қуйидагилар ҳақида хабар бериши шарт:

- суғурталанган автотранспорт воситасини ва (ёки) унинг қўшимча жиҳоз-ускуналари ва анжомларини ижара (прокат) шартномаси бўйича топшириш;

- автотранспорт воситасига бўлган мулк хуқуқининг бошқа шахсга ўтиши;

- аризада кўрсатилган ундан фойдаланиш мақсадларининг ўзгариши;

- қўшимча газ жиҳоз-ускуналарини ўрнатиш;

- автотранспорт воситасини ЙХХБ органларида рўйхатдан олиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш;

- суғурталанган автотранспорт воситаси учун рўйхат хужжатлари, автотранспорт воситасининг калиллари, сигнализацияни бошқариш пульти, рўйхат (ракам) белгиларининг йўқотилиши ёки ўғирланиши.

Суғурта таваккалчилигининг ортишига олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида хабардор этилган Суғурталовчы, таваккалчилик даражасининг ортишига мутаносиб қўшимча суғурта мукофотини тўлашни талаб қилиш хуқуқига эга. Бу ҳолатда Суғурта қилдирувчи қўшимча суғурта мукофотини тўлашни рад этса, шартнома бекор қилинган деб хисобланади.

**8.2.5. Суғурта обьектларини қўздан кечириш учун имконият бериш.**

**8.2.6.** Суғурталанган автотранспорт воситаси билан мазкур суғурта шартномасининг 3.1. бандида кўрсатиб ўтилган таваккалчиликлар содир бўлгандан Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи:

а) зудлик билан, имкони тугилиши билан, лекин ҳодиса юзага келиши пайтидан кўпи билан 24 соат ичида, Суғурталовчига ёки унинг вакилига ҳодиса жойини аник кўрсатган ҳолда билдириш. Билдиришдан кейин 72 (етмиш икки) соат ичида Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи Суғурталовчига ҳодисасининг сабаблари ва

ҳолатлари баён этилган хабарномани ёзма шаклда (факс ёки бошқа шаклда) юбориши лозим;

б) зудлик билан юз берган воқеа тұғрисида хуқуқни мухофаза қилиш органларига хабар бериш;

в) Сұгурталовчига тергов органлари томонидан тасдиқланған ушбу ҳодиса бүйіча жиной ишнинг күзғатилиши ёки тұхтатилиши тұғрисида, ёки ишни судга жүннатиши тұғрисидаги қарорларининг нусхаларини тақдим этиш;

г) Сұгурталовчига шикастланған автотранспорт воситасини күздан кечириш учун тақдим этиш, автотранспорт воситасининг барча шикастланған қисмларининг фотосуратларини олиш ёки видео суратта олиш, Сұгурталовчи билан автотранспорт воситасин таъмирлаш ишларини бажариш бошланишигача үзининг кейинги ҳаракатларини келишиб олиш;

д) Сұгурталовчига барча ишлар, әхтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган таъмирлашни бажариш учун калькуляцияларнинг нусхаларини тақдим этиш;

е) Сұгурталовчига тергов органлари томонидан тасдиқланған ушбу ҳодиса бүйіча жиной ишнинг күзғатилиши ёки тұхтатилиши тұғрисида, ёки ишни судга жүннатиши тұғрисидаги қарорларининг нусхаларини тақдим этиш;

ж) Сұгурталовчининг талабига асосан суғурта ҳодиса билан боғлиқ бўлган бошқа хужжатлар.

**8.2.7.** Сұгурталовчига суғурта шартномасининг амал қилиши даври мобайнида суғурталанған автотранспорт воситасининг ҳолатини, шунингдек Сұгурта қилдирувчи томонидан автотранспорт воситаси тұғрисида билдирилган маълумотларнинг тұғрилигини текшириш имконини бериш.

**8.2.8.** Сұгурталовчи томонидан суғурта товони тұлаб берилиши мажбурияти юзага келганды ва ушбу суғурта товони мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан берилган хulosасига асосан шикастланған автотранспорт воситасининг әхтиёт қисмларини алмаштирилиши ҳаражатларини қоплаши кўзда тутилган бўлса, Сұгурта қилдирувчи автотранспорт воситасининг алмаштирилган әхтиёт қисмларини Сұгурталовчининг иҳтиёрига тақдим этиш

#### **8.3. Сұгурталовчи қуйидаги хуқуқларга эга:**

**8.3.1.** Сұгурта шартномасининг амал қилиши даврида суғурталанған автотранспорт воситасининг ҳолатини ва қийматини, шунингдек Сұгурта қилдирувчи томонидан автотранспорт воситаси тұғрисида билдирилган маълумотларнинг тұғрилигини текшириш.

**8.3.2.** Сұгурта қилдирувчидан суғурта ҳодисаси тұғрисидаги ёзма хабарномани кутмай, суғурта ҳодисаси билан етказилган заарларни кўриб чиқишига ва баҳолашга киришиш.

**8.3.3.** Сұгурта ҳодисаси юзага келганды таваккалчилукнинг даражасини тавсифлайдиган қўшимча хужжатларни талаб қилиш.

**8.3.4.** Сұгурта ҳодисаси юзага келгандылыги ҳолатини ва сабабларини тасдиқловчи тўлиқ маълумот ва керакли хужжатлар олинишигача, шунингдек ҳодиса юзага келиши ҳолати бўйича жиной иш күзғатилиши ҳолатида - ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтигача суғурта товонини тўлашни кечиктириш.

**8.3.5.** Агар у суғурта таваккалчилигининг ортишига олиб келувчи ҳолатлар тұғрисида хабардор этилган бўлса, ўзаро қўшимча битимни имзолаш орқали суғурта шартномасининг шартларини ўзgartириш ёки суғурта шартномасини бекор қилиш.

**8.3.6.** Сұгурталовчи томонидан суғурта товони тұлаб берилиши мажбурияти юзага келганды ва ушбу суғурта товони мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан берилган хulosasiga асосан шикастланған автотранспорт воситасининг әхтиёт қисмларини алмаштирилиши ҳаражатларини қоплаши кўзда тутилган бўлса, Сұгурта қилдирувчидан автотранспорт воситасининг алмаштирилган әхтиёт қисмларини қабул қилиб олиш.

#### **8.4. Сұгурталовчи қуйидагиларга мажбур:**

**8.4.1.** Сұгурта полисини ушбу шартномада белгиланған муддатда бериш.

**8.4.2.** Барча керакли хужжатлар олинишидан ва суғурта ҳодиса юзага келгандылыги ҳолати эътироф этилганидан кейин 10 кунлик муддатда суғурта товонини тўлаш.

**8.4.3.** Сұгурта қилдирувчи, Наф олувчи билан муносабатларда маҳфийликни таъминлаш.

**8.4.4.** Сұгурта товонини тўлашдан аввал Наф олувчини бу ҳақда ёзма огоҳлантириш.

#### **8.5. Наф олувчи қуйидаги хуқуқларга эга:**

**8.5.1.** Сұгурта товони суммасидан ўз талбларини устувор тарзда, лекин Сұгурта қилдирувчининг қарз бўйича Наф олувчининг олдида қарздорлиги суммасидан ошмаган ҳолда қондириш.

#### **8.6. Наф олувчи қуйидагиларга мажбур:**

**8.6.1.** Сұгурталовчини кредит шартномасининг узайтирилиши тұғрисида, шунингдек Сұгурта қилдирувчи томонидан кредитнинг муддатидан илгари қопланиши тұғрисида хабардор этиш.

### **IX. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ.**

**9.1.** Мазкур шартнома бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол (72 соат ичида) Сұгурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги Сұгурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз

вактида билганилиги, ёхуд бу ҳақда сұғурталовчыда маълумотлар йўқлиги унинг сұғурта товонини тұлаш мажбурияттың таъсир этмаслиги исботланмаса, сұғурта товонини тұлашни рад этиш хукукини беради (ЎЗР ФК нинг 951-моддаси).

**9.2.** Ҳодиса түғрисидаги аризада Сұғурта килдирувчи қуйидагиларни күрсатади:

- ҳодисаның санаси ва тағсилотлари;
- ҳодиса юзага келганды Сұғурта килдирувчининг амалга оширган ҳаракатлари;
- шикастланган мазкур автотранспорт воситасининг бошқа сұғурта шартномалари асосида сұғурталанғанлиги ёки йўқлиги түғрисида;

- учинчи шахслардан олинган зарап компенсациясининг мөкдори.

**9.3.** Аризага мазкур сұғурта шартномасининг 8.2.6. бандыда күрсатыб үтилген хужжаттар илова килинади.

**9.4.** Сұғурталовчы сұғурта ҳодисасининг ҳолатларига боғлик ҳолда құшымча маълумот ва хужжаттарни талаб қилишга ҳақлиди. Тақдим этилген хужжаттарнинг асл нусхалари нусха олинганидан кейин Сұғурта килдирувчига қайтариб берилади.

**9.5.** Сұғурта килдирувчининг аризаси берилганидан кейин 3 кунлик муддатда Сұғурталовчы томонидан Сұғурта килдирувчининг иштирокида шикастланган автотранспорт воситасини күздан кечириш далолатномаси тузилади.

**9.6.** Томонлар ўртасида зарарнинг сабаблари ва мөкдори юзасидан низо юзага келган ҳолда, мустақил экспертиза ўтказилиши мүмкін.

**9.7.** Сұғурта ҳодисаси түғрисида далолатнома барча керакли хужжаттар олинганидан ва Сұғурталовчы томонидан тегишли қарор қабул қилинганидан кейин тузилади. Уни тузиш учун Сұғурталовчы, зарур бўлганда, сұғурта ҳодисаси билан боғлик бўлган маълумотларни хукукни муҳофаза қилиш органларидан ва сұғурта ҳодисасининг ҳолатлари түғрисида маълумотга эга бўлган бошқа муассасалардан сўраб олади, шунингдек сұғурта ҳодисасининг сабабларини ва ҳолатларини мустақил аниқлаш хукуқига эга.

**9.8.** Сұғурта ҳодисаси түғрисида далолатнома барча керакли хужжаттар олинганидан кейин тузилади. Уни тузиш учун Сұғурталовчы, зарур бўлганда, сұғурта ҳодисаси билан боғлик бўлган маълумотларни хукукни муҳофаза қилиш органларидан ва сұғурта ҳодисасининг ҳолатлари түғрисида маълумотга эга бўлган бошқа муассасалардан сўраб олади, шунингдек сұғурта ҳодисасининг сабабларини ва ҳолатларини мустақил аниқлаш хукуқига эга.

**9.9.** Сұғурта ҳодисасининг ҳолатларини тергов қилиш учун, Сұғурталовчы ёки Сұғурта килдирувчи мустақил экспертларни жалб қилиш хукуқига эга. Экспертиза хulosаси сұғурта товонини тұлаш суммасини ўзгартириш учун асос бўлади.

**9.10.** Сұғурта товони суммасига шунингдек (тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) Сұғурта килдирувчининг калькуляцияни тузиш ва фото (видео) суратга олиш учун харажатлари киритилади.

Сұғурта товони мөкдори сұғурта шартномасида/полисида белгиланган сұғурта суммасидан ошмаслиги лозим.

Сұғурта товони суммасига киритилмайди:

- ишлаб чиқарувчи завод томонидан чиқарилган брак;
- автотранспорт воситасига техник хизмат күрсатиш ва кафолатли таъмирлаш қиймати;
- автотранспорт воситасининг реконструкцияси, унинг қисмларини, деталлари ва анжомларини эскирганилиги, техник брак ва ҳоказолар туфайли таъмирлаш (алмаштириш) билан боғлик бўлган ишларнинг қиймати

Сұғурта товонини тұлаш автотранспорт воситасининг алмаштирилиши лозим бўлган эхтиёт қисмларининг табиий эскиришини ҳисобга олган ҳолда (табиий эскириш суммаси айрилган ҳолда) амалга оширилади.

**9.11.** Агар сұғурта ҳодисаси юзага келишига сабаб бўлган ҳолатлар бўйича жиной иш қўзғатилган ёки суд процесси бошланган бўлса, сұғурта товони түғрисида қарор қабул қилиш тергов ёки судда иш кўрилиши тугагунча кечиктирилиши мүмкін.

**9.12.** Агар автотранспорт нобуд бўлиши ёки шикастланиши жиноят оқибатида юз берган бўлса, ва шу тифайли айбор шахсга нисбатан жиной иш қўзғатилган бўлса, сұғурта товони Сұғурта килдирувчига тергов қилиш даврида ёки у тугаганда тұланиши мүмкін, бунда айбор шахсга нисбатан қўйилган регресс даъвоси, суд томонидан жиной ишнинг кўрилиши давомида кўриб чиқилиши имконияти бўлиши лозим.

**9.13.** Сұғурта товони Сұғурталовчы томонидан у барча керакли хужжатлар олганидан ва сұғурта ҳодисаси эътироф этилганидан кейин 10 кунлик муддатда тұланади.

**9.14.** Барча ҳолларда сұғурта товони сұғурта шартномасида/полисида белгиланган шартсиз франшиза суммаси айрилган ҳолда ҳисобланади.

**9.15.** Сұғурта шартномаси бўйича сұғурта суммасидан камрок сұғурта товони тұланган ҳолда шартнома ўз муддатининг охиригача, шартномада белгиланган сұғурта суммаси ва тұланган сұғурта товони ўртасидаги фарқ мөкдорида ўз кучини саклаб қолади.

**9.16.** Сұғурта килдирувчи, агар зарап тўлиқ копланган бўлса ёки сұғурта товони суднинг қарорига кўра

зарар етказилишига айбдор бўлган шахс томонидан амалга оширилса, суғурта товонини олиш хукуқидан маҳрум бўлади.

**9.17.** Агар Суғурта қилдирувчи ёки Наф оловучи айбдор ёки учинчи шахслардан зарарни қоплаш бўйича суммани олса, Суғурталовчи факат суғурталаш шартларига кўра тўланиши лозим бўлган сумма ва айбдор ёки учинчи шахслардан олинган сумма орасидаги фаркни тўлайди.

**9.18.** Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф оловчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этгандаридан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

**9.19.** Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта суммасини тўлашни рад этиш қарори устидан, унга судда даъво билдириш йўли билан шикоят қилиниши мумкин.

**9.20.** Суғурта товонини тўлаш:

**9.20.1.** Суғурта қилдирувчига, Наф оловчини суғурта товонининг тўланиши лозим бўлган микдори тўғрисида ёзма тарзда хабардор этилган ҳолда амалга оширилади. Наф оловучи суғурта товони суммасидан ўз талабларини устувор кондириш хукуқига эга. Бунда Наф оловучи Суғурта қилдирувчининг Наф оловучи олдида кредит бўйича қарздорлигидан ошмаган микдорда суғурта товонини олиш хукуқига эга, суғурта товонининг қолган кисми эса Суғурта қилдирувчининг зарарларини қоплаш харажатларини қоплаш учун йўналтирилади.

**9.20.2.** Суғурта товони аризада кўрсатилган Наф оловчининг банк ҳисобракамига пул маблағларини ўtkазиш йўли билан амалга оширилади.

**9.21.** Суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига Суғурта қилдирувчининг (Наф оловчининг) суғурталаш натижасида қоплаб бериладиган зарарлар учун жавобгар шахсга нисбатан талаб қилиш хукуки унинг тўлаган суммаси доирасида ўтади. Суғурта қилдирувчининг ходимларига талаб кўйилмайди. Лекин Шартноманинг қасдан зарар етказган шахсга нисбатан талаб қилиш хукуки Суғурталовчига ўтишини истисно этувчи шартлари ҳақиқий бўлмайди.

**9.22.** Суғурта қилдирувчига ёки Наф оловучи Суғурталовчига Суғурталовчи томонидан унга ўтган талаб қилиш хукукини амалга ошириши учун зарур бўлган барча хужжатларни ва исботларни бериши ва унга барча керакли маълумотларни тақдим этиши шарт.

**9.23.** Агар Суғурта қилдирувчига ёки Наф оловчи ўзининг Суғурталовчи томонидан қопланган зарарлар учун жавобгар бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш хукуқидан воз кечган бўлса ёки Суғурта қилдирувчининг ёки Наф оловчининг айби билан ушбу хукуқни амалга ошириш мумкин бўлмай қолса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисмida озод этилади ва ортиқча тўланган товон суммасини қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

**9.24.** Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўлаб берилиши мажбурияти юзага келганда ва ушбу суғурта товони мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан берилган хulosасига асосан шикастланган автотранспорт воситасининг эҳтиёт қисмларини алмаштирилиши ҳаражатларини қоплаши кўзда тутилган бўлса, Суғурта қилдирувчи автотранспорт воситасининг алмаштирилган эҳтиёт қисмларини Суғурталовчининг ихтиёрига тақдим этади. Агар Суғурта қилдирувчи шиксатланган автотранспорт воситасининг алмаштирилган эҳтиёт қисмларини Суғурталовчининг ихтиёрига тақдим этмаса ва/ёки тақдим этишдан бош тортса, Суғурталовчи автотранспорт воситасининг эҳтиёт қисмларини янгилаш учун ҳисобланган ҳаражат суммасини суғурта товонидан чегириб қолади.

**9.25.** Агар суғурта товони тўланганидан кейин Суғурта қилдирувчига ўғирланган автотранспорт воситаси ёки унинг қисмлари, деталлари, анжомлари қайтарилган бўлса, Суғурта қилдирувчи ўғирлаш билан боғлиқ бўлган таъмирлашнинг қиймати айрилган ҳолда суғурта товонини қайtarishi шарт.

Ушбу суғурта товони Суғурта қилдирувчи томонидан унга ўғирланган автотранспорт воситаси (унинг қисмлари, деталлари ёки анжомлари) қайtarilganiдан кейин кўпил билан 3 ой ичida қайtariliши лозим. Суғурта қилдирувчи бу талабни бажармаган ҳолда, Суғурталовчи суд органларига даъво киритади.

Суғурта қилдирувчи ушбу бандда кўзда тутилган ҳолда суғурта товонини қайtarганда, шартнома суғурта полисида кўрсатилган муддатнинг охиригача, шартномада белгиланган суғурта суммаси ва тўланган суғурта товони ўртасидаги фарқ микдорида, Суғурта қилдирувчининг қайtarган суммасини ҳисобга олган ҳолда амал қилиши давом этади.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

**10.1.** Ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажариласлиги ёки тегишлича бажариласлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

**10.2.** Агар томонларнинг ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариласлиги енгib бўлмайдиган кучдаги (форс-мажор) ҳолатлар туфайли юзага келган бўлса, улар жавобгарликдан озод қилинади. Енгib бўлмайдиган кучдаги ҳолатлар таъсирига учраган томон бошқа томонни ушбу ҳолатларнинг юзага келганлиги ва эҳтимолий давом этиши муддати тўғрисида зудлик билан огоҳлантириши лозим.

### XI. БОШҚА ШАРТЛАР.

11.1. Суфурта шартномаси бўйича хукуклар ва мажбуриятларнинг учинчи шахсга ўтказилишига томонларнинг ёзма розилигисиз йўл қўйилмайди.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган ҳолда, томонларнинг мажбуриятларини бажариши муддати форс-мажор ҳолатлари амал қилган вақтга мутаносиб ҳолда кечикирилади.

11.3. Мазкур шартномада келтирилмаган барча масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянади.

### XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

12.1. Суфурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳал этилади.

### XIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**СУФУРТАЛОВЧИ:  
“SEMURG INSURANCE” АЖ**

Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани,  
Содик Азимов қўчаси, 50 уй.  
Х/р: 2021 4000 9052 0466 7087  
Банк: ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали  
Банк коди: 01121  
СТИР: 307 281 137  
Тел.: +998 71 205-11-55

**НАФ ОЛУВЧИ:  
“DAVR BANK” ХАТБ**

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий-Зарқайнар  
кўчаси, Блок А.  
Х/р: 2980 1000 3000 0098 1776  
Банк коди: 00881  
СТИР: 203 709 707  
Тел.: +998 71 204-40-40

### ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

**СУФУРТАЛОВЧИ НОМИДАН:**

Бош директор  
Р.К.Кадиров

ИМЗО



**НАФ ОЛУВЧИ НОМИДАН:**

Бошқарув Раиси  
А.А.Самадов

ИМЗО



М.ў.

**ОДОБРЕНО**

ЮРИДИЧЕСКИЙ ДЕПАРТАМЕНТ  
«30» 07 2024 г.

[www.semurginsurance.uz](http://www.semurginsurance.uz)

[info@semurginsurance.uz](mailto:info@semurginsurance.uz)

1251, +998 71 205-11-55

2024 йил «30» июлдаги  
25-23-241097-сонли Гаровга  
қүйилаётган автотранспорт  
воситаларини суғурта қилиш бош  
шартномасининг 1-иловаси

**ДЕКЛАРАЦИЯ****I. БҮЛМІМ. КРЕДИТ ТҮФРИСІДА МАЪЛУМОТЛАР:**

1.1.	Кредит шартномаси рақами:	
1.2.	Кредит шартномаси санаси:	
1.3.	Кредит шартномаси суммаси:	

**II. БҮЛМІМ. АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР:**

Гаровга қүйилаётган автотранспорт воситасининг номи ва Кузов рақами		Автотранспорт воситасининг техпаспорт рақами ва давлат рақами)	Автотранспорт воситасининг суғурта қиймати, сўм	Автотранспорт воситасининг суғурта суммаси, сўм
2.1.				
2.2.				
.....				

**Жами:**

**III. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР:**

3.1.	Автотранспорт воситасининг умумий (жами) суғурта қиймати, сўм	
3.2.	Автотранспорт воситасининг жами (умумий) суғурта суммаси, сўм	
3.3.	Шартнома бўйича жами (умумий) суғурта мукофоти:	
3.4.	Тўланган суғурта мукофоти:	

Суғурта қилдирувчи ушбу декларацияда хабар қилинган маълумотлар ҳаққонийлигини ҳамда суғурта  
шартномаси тузиш ва имзолаш учун асос бўла олишини тасдиқлайди.

Шу билан биргаликда, Суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси билан танишганлиги ва суғурта  
шартларига розилиги тасдиқлайди.

**ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:**
**СУҒУРТАЛОВЧИ**  
номидан

---

 ИМЗО М.ў.
**СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ**  
номидан

---

 ИМЗО М.ў.
**НАФ ОЛУВЧИ**  
номидан

---

 ИМЗО М.ў.

## ГАРОВГА ҚҮЙИЛАЁТГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ СУГУРТА ҚИЛИШ ПОЛИСИ

“SEMRG INSURANCE” АЖ, 2024 йил 30 июлдаги №25-23-241097 – сонли гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасини сугурта қилиш бош шартномасида кўрсатилган таваккалчиликлардан сугурта ҳимоясини тақдим этади:

1.	Суғурта қилдирувчи:	
2.	Наф оловчи:	
3.	Умумий суғурта қиймати:	_____ (_____) сум.
4.	Умумий суғурта суммаси:	_____ (_____) сум.
5.	Суғурталанган автотранспорт воситаси:	Гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасини суғурта қилиш шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган
6.	Суғурта даври:	20 ____ й. «____» _____ дан 20 ____ й. «____» _____ соат 24.00 гача амал қиласди.
7.	Суғурта мукофоти:	_____ (_____) сум.
8.	Суғурта мукофоти тўланган сана:	«____» _____ 20 ____ г.

Суғурталовчи номидан:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(имзо) м.ў.

Берилган сана: 20 \_\_\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_